

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хакимова Нилуфар Жураевна

Ассистенти

Тошкент ДавлатТранспорт Университети, Тошкент,

## DEVELOPING STUDENTS' SPATIAL IMAGINATION

*Nilufar Khakimova*

*Assistant,*

*Tashkent State Transport University, Uzbekistan, Tashkent,*

### АННОТАЦИЯ

Муҳандислик ва компьютер графикиси фанида модулли компетентли ёндашув асосида талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш. олий таълим муассасаларида талабаларнинг масофадан мустақил таълим олиш мотивациясини шакллантириш методикаси ёритилган.

**Калит сўзлар:** технология, тасаввур, фазо, тафаккур, модул, компетент, метод, назария, кўникма, малака, тест.

### АННОТАЦИЯ

Развитие пространственного воображения учащихся на основе модульного, компетентностного подхода в инженерии и компьютерной графике. Описана методика формирования мотивации студентов к самостоятельному дистанционному обучению в высших учебных заведениях.

**Ключевые слова:** технология, воображение, пространство, мышление, модуль, компетентность, метод, теория, навык, квалификация, тест.

### ABSTRACT

Development of students' spatial imagination based on a modular, competence-based approach in engineering and computer graphics. The methodology for motivating students to independent distance learning in higher education institutions is described.

**Keywords:** technology, imagination, space, thinking, module, competence, method, theory, skill, qualification, test.

Дунёнинг ривожланган давлатлари олий таълим муассасаларида талабаларнинг масофадан мустақил таълим олиш мотивациясини шакллантириш олий таълим муассасаларида талабаларнинг масофадан мустақил таълим олиш мотивациясини шакллантириш, фазовий тасаввури ва график тафаккури, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг

мультимедиали таълим технологиялари, виртуал моделлаштириш усуллари жорий қилиш билан боғлиқ қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илм-фан ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажагини кўп жиҳатдан ҳал қиласидан бебаҳо бойлиқдир. Тадқиқотлар натижаларини илмий жиҳатдан таҳлил қиласдан ва ўзлаштирмасдан ривожланиши мумкин бўлган иқтисодиётнинг бирор бир тармоғи, жамият ҳаётининг биро соҳаси йўқ.

Дунёнинг аксарият мамлакатлари молиявий-иктисодий инқизорни кечираётган бир пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни илғор технологиялари асосида модернизация қилиш, илмий-техника салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётимизни ривожлантиришда инновация йўлига ўтиш муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда.

Талабаларнинг муҳандислик ва компьютер графикаси фанидан фазовий тасаввурини ошириш жараёни ОТМ технологик таълим йўналишлари фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълим муассасаларида технологик таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларда фазовий тасаввурни ривожлантиришга хизмат қиласидан зарур педагог шартшароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълимнинг давлат таълим стандартларида "Модул –таълим ва тарбиянинг муайян мақсади ва натижасига эришиш бўйича ўзаро боғланган ҳамда мантиқий тугалликка эга бўлган ўқув фанлари ва уларнинг таркибий қисмлари" деб таърифланган. Модул компетенти таълим талабага тақдим этилган мақсадли дастур, ахборот банки, қўйилган дидактик мақсадларга эришиш учун услубий кўрсатмаларни қамраб олган маҳсус дастурга эга таълим бўлиб, ушбу таълим бошқа таълим турларидан таълим мазмунни тугалланган, мустақил модуллар шаклида тақдим этилиши, ўқитувчининг таълим олувчи билан мулоқоти тубдан янги асосида амалга ошириши билан фарқ қиласди.

Таълим олувчи ўқитувчи билан бўладиган ҳар бир учрашувга шахсий билим орттириш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда модул ёрдамида дастлабки тайёргарликни маълум даражага етказади.

Муҳандислик ва компьютер графикаси фанини ўқитишида таълим методларини тўғри танлаш қўйидагилар асосида амалга оширилади:

-ўқитишининг умумий мақсадлари; алоҳида ўқув фанининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари;

-ўқув фанни ўқитишдан кўзланган мақсад, вазифалар ҳамда ҳар бир алоҳида машғулот учун мўлжалланган ўқув материалининг мазмуни;

-ўқув материалини ўрганиш учун ажратилган вақт ҳажми;

-талабаларнинг тайёргарлик даражаси, психологик ва психологик-физиологик кўрсаткичлари;

-ўқитиши жараёнининг ўқув, техник ва технологик жиҳозлар (ўқув жиҳозлари, кўрсатмали қуроллар, техник, компьютер ва бошқа моддий воситалар) билан таъминланганлиги, педагогнинг тайёргарлик ва шахсий сифатлари даражаси.

Бунга кўра, таълим методларини тўғри танлаш, методикани пухта шакллантириш қуидаги натижаларга эришишни кафолатлади: талабаларда муҳандислик ва компьютер графикасифани асосларини пухта ўзлаштиришга бўлган қизиқиши ва мотивасияни ҳосил қилиш, уларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш, талабаларнинг мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятига ега бўлишини таъминлаш, талабалар томонидан ушбу фан асосларини ўқитиши сифатини яхшилаш, муҳандислик ва компьютер графикаси графикаси фанини ўқитишининг самарадорлигини ошириш.


Кузатишлар шуни кўрасатадики ОТМларда талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш методикасини пухта шакллантириш эътиборга олинди.ОТМларда талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш жараёни қуидаги методика асосида ташкил етилди:ишли ўқув дастур, модуллар бўйича ўқув материаллари,талабалар билимини назорат қилиш учун тест топшириқлари,амалий топшириқлар,ўқув кейслари,индивидуал топшириқлар,мустақил ишлаш график топшириқлар,ўқув-услубий тарқатма материаллар,глоссарий,тақдимот,"Auto САД" дастурлари.

Қуида ушбу методиканинг айримлари, жумладан, амалий топшириқлар (амалий машқлар)нинг моҳияти юзасидан сўз юритилади.ОТМда ўқитиладиган "Муҳандислик ва компьютер графикаси" фанининг ўзига хос хусусиятларидан бири-бўлажак технологик таълим ўқитувчиларда биринчи навбатда фазовий тасаввурини, амалий кўникма, малакаларни ривожлантириш жараёнининг амалий топшириқларга асосланиши саналади.

Тадқиқотни олиб бориши даврида ўқув модуллари бўйича амалий характердаги топшириқлар тўпламини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилади. Амалий топшириқлар уларнинг мураккаблик даражасига кўра жуфтлик ва кичик гурухларга берилади.Бу жараённи амалга оширишда талабаларнинг компьютер графикаси йўналишидаги фанлар бўйича фазовий тасаввuri ва ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг янги воситаларини ишлаб чиқиш, бунда ҳозирги кунда такомиллашган график дастурларнинг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Муҳандислик ва компьютер графикасига оид бўлган оддий деталнинг 2Д модели ва 3Д форматдаги модели келтирилган 1-чизмада.

Талабалар ушбу деталнинг 3Д моделини қуришларида 2Д дан фойдаланадилар. Аммо, уни бажариш жараёнида албатта мураккаблик даражасига эътибор бериш зарур ҳисобланади. 1-чизмада келтирилган деталнинг 3Д ўлчамли моделини деталнинг 2Д ўлчамли модели асосида, деталнинг график дастур имкониятларидан фойдаланиб, таглик ва устки қисмини ўстириш ва таглик ва устки қисмини бирлаштириш ва керакли ўлчамда 2Д моделда берилган шартлар асосида кераксиз қисмларини олиб ташлаш каби учта босқичда амалга оширилади. Шу билан, берилган деталнинг 3Д ўлчамдаги моделини яратишнинг асосий қисми ниҳоясига етказилади.



**1-чизма.** Оддий деталнинг 2Д ва 3Д форматдаги модели

Талабалар ушбу деталнинг яққол тасвирини кўргач, уларга бироз тушунарсиз бўлган чизмада нима тасвиранганини ҳақида тасаввурга эга бўлади ва ижодий фаолият олиб боришга интилади. Техникада яратилган ҳар бир буюм маълум турдаги деталларни бирикмасидан иборат бўлади. Мавжуд ҳар бир детал ишлаб чиқаришдан олдин бир неча бор эскизи чизилади, ҳамда шу эскиз асосида иш чизмаси чизилиб бевосита ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинади. Иш чизмасидэганда маълум давлат стандарти талаблари асосида, чизма асбоблари ёрдамида бажариладиган чизмага айтилади.

Талабаларни чизма чизиш жараёнини ташкил қилишдан олдин, чизмаси бажариладиган детални кўринишларини, бажарадиган вазифасини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутади. Графика фанларида фазовий тасаввурни бойитадиган кўплаб мавзуларни учратиш мумкин, шулардан баъзилари ҳақида фикр билдиromoқчимиз.

Муҳандислик ва компьютер графикаси фанини ўқитиш жараёнида моделлаштириш, яъни модел ясашга оид баъзи методик тавсиялар беришда, мавзуни асосий моҳиятига хос бўлган берилган ортогонал проексиялар асосида яққол тасвирини қуришдан иборат. Талаба яққол тасвирни қуриш

жараёнида маълум турдаги таффакур босқичларини босиб ўтади. Мавжуд яққол тасвир асосида унинг моделини ясашга уринади.

Модул ясаш жараёнида инсон фазовий тасаввурни тушунчаларни бевосита ифода қилишга эришади, бу эса ўз навбатида мавжуд муаммони бартараф этишга ундайди. Маълумки график фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, чизмаларни ўқиш соҳасидаги билимларни ҳажми техникага таълуқли тизимлаштирилган билимларни уйғунлаштириш билан характерланади. Мавжуд деталларга ўзгариш киритиш, ёки унинг фойдали иш коефицентини оширишда бирор –бир янгилик киритиш учун албатта деталнинг яққол тасвирига мурожат қилинади.

Деталнинг яққол тасвирин чизишида талаба фазовий тасаввурни ривожланган бўлиши керак. Фазовий тасаввур ривожлантиришда биз танлаган мавзу бевосита етакчи ўринда туради. Мавзуни мустаҳкам ўзлаштириш учун талabalарга бериладиган топшириқлар, яъни график иш бажариш жараёнида қўлланиладиган чизмалар олдинги ўтилган мавзуларни ўзида акс эттирган ҳолда тузилиши лозим.

Талаба топшириқни бажариш жараёнида мавжуд масалани олдингиси билан таққослайди, ундаги ўхшашлик жиҳатларни ечилиши лозим бўлган масалада топишга ҳаракат қиласди. Талабани ижодий фикрлашга ундайди, талаба ўз –ўзидан тафаккур операцияларини босиб ўтади.

Юқорида таъкидланганидек, муҳандислик ва компьютер графикаси фанини ўқитишида талабаларни фазовий тасаввурини ўстириш, ҳамда уларни чизмаларни ўқишга ўргатишида, берилган ортоганал проексиялар бўйича модел ясаш мавзулари алоҳида касб этади.

Талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини оширса, иккинчидан уларнингдарс машғулоти давомида фаоллигини оширади, модделлаштириш асосида оддий ҳарфларни симдан ясаш уларга қизиқарли ва шу билан бирга уларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Е.Роъзиев, А.Аширбоев. Муҳандислик графикасини ўқитиши методикаси-  
Т. "Янги аср авлоди" нашриёти., 2010.

2. И.Рахмонов. Чизмаларни чизиш ва ўқиш. -Т. "Ўқитувчи" нашриёти., 1992.

3.Халимов Мохир Каримович, Машраббоев Ҳаётилло Нумонжонович. Increasing Activity Бй Students Creativity ин Drawing Classes. Eurasian Scientific Herald,1www.geniusjournals.org, Volume 7. Страницы:153-159, <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/1086>

4.Халимов Мохир Каримович,Махмудова Фотима Шамсиддиновна. Қизиқарли топшириқлар орқали талабаларда чизма бажаришнинг дастлабки

тушунчаларини шакллантириш. Образование и наука в Ххивека Выпуск №18 (том 3) (сентябрь, 2021), 1347-1353.

5.Халимов Мохир Каримович, Махмудова Фотима Шамсиддиновна. Қизиқарли топшириқлар орқали талабаларда чизма бажаришнинг дастлабки тушунчаларини шакллантириш. Образование и наука в Ххивека Выпуск №18 (том 3) (сентябрь, 2021), 1347-1353.